



221200, Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Навбахор кўчаси 2-уй.

2020 йил "6" июл

№ 1065

Янгибозор шаҳарчаси

**“Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро  
Ражабов Ғуломга қўшимча томорқа ер  
майдони ажратиб бериш тўғрисида**

Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Ражабов Ғуломнинг қўшимча томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6–моддасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10, 25–моддасига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Янгибозор тумани Оёқдўрман қишлоғи “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Ражабов Ғуломга “Қиёт” маҳалласининг туман захира ерлари ҳисобида турган 860-қисм контуридан 0,12 гектар ер майдони қўшимча томорқа сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов)га қўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Хайтбаева Муяссар Маматсалиевага туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов